



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz


2014 йил 24 апрель, № 79 (6009)

Пайшанба

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



Ўтган йили “Навой иссиқлик электр станцияси” очиқ акциядорлик жамиятида янги буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши туфайли 366 миллион кубометр газ тежалди. Шунинг баробарида 3,49 миллиард кВт. соат электр энергияси истеъмолчиларга етказиб берилди.

366 миллион кубометр газ тежалди

— Айни пайтда жамиятимизда қуввати 450 мегаватт бўлган иккинчи йирик лойиҳа устида иш олиб борилапти, — дейди корхона бош муҳандиси Тўлқин Назаров. — Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда 627 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблаг ҳисобига бунёд этилаётган замонавий қурилма ёрдамида электр энергияси ҳамда 200 миллион гигакалория ҳажмида иссиқлик қуввати ҳам ишлаб чиқарилади.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Либослар дизайнини буюртмачи танлайди

“Қорақўл кумуш калава” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари пишиқ-пухталиги ва кўркем дизайни билан харидорларга маъқул тушмоқда.

— Биз матони шу ернинг ўзида тўқиймиз, — дейди Қорақўл туманидаги мазкур корхона раҳбари, ёш тадбиркор Асрор Мансуров. — Сўнгундан тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда Хитой ҳамда Италия технологияси асосида, “Mascho” савдо белгиси остида йигирма турдан зиёд трикотаж маҳсулотлари тайёрлабимиз. Бу жараёнда харидорлар хоҳиш-

истакларини устувор мезон деб биламиз. Маҳсулот дизайнини танлашда ҳам уларнинг буюртмасига мувофиқ иш қилинади. Бу эса муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Ҳозир даромадимизнинг салмоқли қисмини пайпоқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ янги бизнес-ғояни рўёбга чиқаришга йўналтираямиз.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚВПлар учун куёш панеллари

Сўнгги икки йил давомида Сурхондарё вилоятининг энг чекка ҳудудлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатадиган 10 та қишлоқ врачлик пункти куёш панеллари билан жиҳозланди.

Яқинда улар сафига Узун туманидаги “Жончекка” қишлоқ врачлик пункти ҳам қўшилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси кўмағида шундай қурилма ўрнатилди. Натижада электр энергиясидаги узилтишларга барҳам берилди. Айтиш керакки, ҳозирги кунда ушбу тиббиёт маскани 3500 нафар қишлоқ аҳлига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хонадонларнинг замонавий қўриқчиси

Шаҳрисабз туманидаги “Mars Electronics” масъулияти чекланган жамиятида янги русумдаги ёнғинга қарши ҳамда электрон қўриқлаш қурилмалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мазкур мосламаларнинг турдошларидан фарқи шундаки, уларни замонавий ахборот узатиш технологияларига тўғридан-тўғри улаш мумкин. Шу билан бирга, қурилмалар ёрдамида юзлаб километр масофадан туриб муайян объект ҳақида тўлиқ маълумот олиб турса бўлади. — Жуда юқори даражадаги сезиш қобилиятига эга бўлган бундай технологиялар, ҳатто, қўриқланаётган хонадон ёки муассасадаги намлик

миқдори, ҳарорат, тутун ва бошқа белгилар ҳақида ҳам алоҳида ахборот бериб боради, — дейди МЧЖ раҳбари Шокир Жумаев. — Ҳозир банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига хориздан дастурлаш технологияларини келтираямиз. Жорий йил охиригача лойиҳани тўлиқ амалга ошириб, назорат-касса машиналари ва таксометрлар ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаганмиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

юртимиз иқтисодиётининг юксалишида алоҳида аҳамиятга эга



Жорий йилги ярмаркада 100 дан зиёд илмий, илмий тадқиқот, олий таълим муассасалари ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотларининг 500 дан кўпроқ технология ва ишланмалари иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинапти.


Жадал тараққий этаётган бугунги даврни замонавий технологиялар ёки илгор ишланмаларсиз тасаввур этиш қийин. Шу маънода, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ҳаётга изчил татбиқ қилиш муваффақият гаровидир. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли барча жабҳада

ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу жараёнда, шубҳасиз, ҳар йили ўтказилаётган турли кўргазмалар, ўзаро тажриба алмашув учрашувлари муҳим омил бўлаёттир. “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” VII Республика ярмаркаси ҳам ана шундай эзгу ишлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Гап

шундаки, Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ташкил қилинган ушбу тадбирнинг нуфузи йил сайин ортмоқда. Ўтган вақт мобайнида 2000 дан зиёд инновацион лойиҳалар ва технологиялар намоийш

этилиб, 59,4 миллиард сўмлик 1945 та шартнома имзолангани, уларнинг ижроси натижасида 21 турдаги маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, 69 та шартнома асосида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва саноят намуналари яратилгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).



ЯРМАРКА



ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ БЕШ МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ

Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги Индексини эълон қилган “The World Justice Project” мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида шу ҳақда маълум қилинган.

Маърузада таъкидланишича, ҳуқуқ устуворлиги жамиятнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайди, дунёнинг барча мамлакатлари ҳукуматларининг масъулиятини кучайтиришга кўмаклашди ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига нисбатан хурматни оширади.

Мазкур Индекс илк маротаба 2010 йилда эълон қилинган бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига ва эксперт манба-

ларини ўрганишга асосланган ноёб тадқиқотдир.

Давлатларга баҳо беришда “Тартиб ва хавфсизлик” йўналишига бош мезонлардан бири сифатида ёндашилиб, унинг доирасида халқаро экспертлар дунёнинг 99 мамлакатидagi тартиб ва хавфсизлик билан боғлиқ вазиятни кўриб чиққан, ушбу мамлакатлардаги ҳуқуқий муҳитни, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини, мустақил ва ҳолис судларнинг мав-

жудлигини, ҳуқуқ-тартибот органлари нечоғли самарали фаолият юритишини ва бошқа омилларни тадқиқ қилган.

Давлатларнинг ютуқлари, аввало, жиноятчиликка қарши курашиш, сиёсий ўзравонлик, шу жумладан, терроризм, қуролли тўқнашувлар ва сиёсий тартибсизликлар, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ва жиноий одил судлов тизимига нисбатан ишончнинг йўқотилиши оқибатида юзага келадиган ўзравонликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш бўйича асосий тамойилга риоя қилинишининг самарадорлигига кўра баҳоланган.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа

сатрларда

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Аёллар ва ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш” мавзусидаги ўқув-масгулотда биз-

нес-ғояни баҳолаш, асосий йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш усуллари, гоғларни шакллантиришга кўмаклашиш бўйича машгулотлар кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди.

● Хоразмда Марказий банкнинг вилоят бошқармаси, тижорат банклари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ёш оилаларга уй-жой қуриш, рўзгорни бутлаш учун берилаётган имтиёзли кредитлар, яратилаётган янги имкониятлар ҳақида ёшлар билан бўлган учрашувда сўзлаб беришди.

● Республика Киночилар уйида 2013 йилда давлат буюртмаси асосида ҳамда нодавлат студиялар томонидан суратга

олинган бадий, мультипликацион ва ҳужжатли фильмлар муҳокамасига бағишланган ижодий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ёш чегарачилар” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг ҳудудий босқичлари якунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида танлов иштирокчилари ўзларининг жисмоний тайёргарлигини, юртимиз географияси ва табиғати оид билимини, шунингдек, чет тилларни ўзлаштириш даражасини намоийш этганликлари билдирилди.

● Наманганда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

маркази ҳамкорлигида ташкил этилган “Солиқ билимлари — болаларга!” кўриктанловининг вилоят босқичи якунига етди.

● Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетидagi иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги бошланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти 2014 йил учун ўз нашрларига обуна давом этаётганлигини маълум қилади. Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган обунани онлайн расмийлаштириш шакли ҳам амал қилмоқда.

Бунинг учун тахририятнинг www.xs.uz, www.narodnoeslovo.uz расмий сайтларидаги онлайн обуна бўлимига ўтиб, белгиланган буюртманомани тўлдирсангиз, кифоя.

Обунани расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар билан www.xs.uz ёки www.narodnoeslovo.uz сайтларида батафсил танишишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 233-10-03

ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ БЕШ МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Индексда ушбу омил бўйича Япония биринчи ўринни эгаллаган. Иккинчи ўрин Сингапурга берилган. Учинчи ўринни Ўзбекистон, Дания ва Гонконг эгаллаган. Ўзбекистондан кейинги ўринларда АҚШ, Бельгия, Норвегия, Эстония, Қозоғистон, Россия ва бошқа мамлакатлар қайд этилган.

Экспертларнинг фикрича, мазкур мустақил халқроқ ташкилотнинг юқори баҳосига сазовор бўлган Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик мустақиллик йилларида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ва ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалардаги энг долзарб масалаларни самарали ҳал этишга йўналтирилган тизимли, кенг қўлмали ишлар натижасидир.

Бунда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири — қонун устуворлиги ташкил этади. Ушбу тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимояланганини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Натижада суд ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, одил ҳалловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, адвокатура институти ролини кучайтириш таъминланди.

Жиноят ва жиноий-процессуал қонунчилиқнинг либераллаштирилиши, инсонпарварлик тамойилининг кучайтирилиши бу борадаги энг муҳим йўналишни ташкил этади. "Хабас корпус" институтининг жорий этилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши принцип қадам бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси-

ни амалга ошириш доирасида кенг қўлмали ишлар бажарилди. Масалан, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари фаолиятида қонунийликни ва қонун устуворлигини таъминловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилди, жиноий, маъмурий қонунчилиқнинг янада либераллаштирилиши давом эттирилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди, тезкор-қидирув характеридаги тадбирларни амалга оширишда қонунийликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг амалий ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тинчлиги ва хавфсизлигини жиноий таъвозулардан ишончли ҳимоялашни таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга, шунингдек, фуқароларни мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Халқроқ экспертлар шуни алоҳида таъкидлаганки, юксак инсонпарварлик ғояси билан сугорилган мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг халқроқ майдондаги нуфузини янада оширган. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиботи ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги рейтингда муносиб ўрин эгаллагани мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг изчиллиги ва юксак самардорлигининг яна бир ёрқин мисолидир.

Демократик қурилиш борасида мамлакатимиз тўплаган тажриба ва самардорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган давлат ва жамиятни изчиллик билан янгилашда фойдаланилаётган тадрижий ёндашув дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

(Ўза).

Бухорода ҳинд ишбилармонлари кўرғазмаси

Ўзбек ва ҳинд халқларининг маданий, савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлиги бой тарихга эга. Хусусан, сўнгги йилларда бу алоқалар қамрови кенгайиб бормоқда.

ҲАМКОРЛИК

Бухоро шаҳрида учинчи марта ташкил этилган Хиндистон халқ истеъмол моллари савдо-ярмаркаси фикримиз тасдиғидир. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бўлими ва "Грет-Индия экпо" компанияси ҳамкорлигида

уюштирилган мазкур тадбирда ҳиндистонлик йигирма беш нафар ҳунарманд ва тадбиркор ўз маҳсулотлари билан иштирок этади.

— Юртингизда учинчи бор бўлишим, — дейди улардан бири Васем

Фатима. — Ҳар гал Ўзбекистонга ўзгача бир ҳисҳажон оғушида йўл оламман. Ўзим заргар бўлганим учун Бухорода ҳам бу қадимий ҳунар жуда ривожланганидан хабардорман. Мазкур тадбир ҳунармандларингиз билан ўзаро тажриба алмашиш нуқтаи назаридан ҳам фойдали бўлаяпти. Шуниси қувончлики, маҳсулотларимизга наздик дидли ўзбекистонлик халқ амалий санъати илосмандлари катта қизиқиш билдиришди. Бу маданиятимиз, турмуш тарзимизда муштарак жиҳатлар кўпчилигидан далолат беради.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЗЛАНИШ

Қарийб саккиз ойлик изланишлар натижасида Андижон шаҳридаги "Сагаза қуювчи" ва "Эко комфорт элегант" масъулияти чекланган жамиятларида ярим-ўтказгичли диод ёриткичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Келажак ёриткичлари

Хозирги кунга қадар хориждан келтирилган бундай маҳсулотлар электр энергияни кам сарфлаши ҳамда ёритиш қуввати юқорилиги билан ажралиб туради. Эътиборли жиҳати, ундан 20 йилгача фойдаланиш мумкин.

— Маҳсулотларимиз қўлланилганда, электр сарфи қарийб 10 баробар қисқаради, — дейди "Сагаза қуювчи" МЧЖ тасъилчиларидан бири Шавкатбек Мамадалиев. — Ҳозир фаолиятимиз маҳаллий ҳокимият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, жамиятимизга ўтган йили фойдаланилган турган бино ва иншоотлар "ноль" қийматида ажратилди.

Эътиборли жиҳати, қорхонанинг ярим-ўтказгичли диод ёриткичлари Қамчиқ довоида саноат муваффақиятли ўтди. Эндиликда "Сагаза қуювчи" муҳандислари қўбдан қувват олувчи лампалар яратиш устида изланишлар олиб боришмоқда.

Сандаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Меҳнат ярмаркалари

ёш мутахассислар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда

Соғлом бола йилда Фаргона вилоятида 92,5 мингта иш ўрни ташкил этиш белгиланган бўлиб, январь — март ойларида ушбу кўрсаткич 22138 тага етказилди. Бунда асосий эътибор ёш мутахассислар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бинобарин, жорий йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги 4905 нафар йигит-қиз учун тижорат банклари томонидан 28 миллиард 600 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлашда жойларда ўтказиб келинаётган меҳнат ярмаркаларининг самараси катта бўлмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоятда 130 марта ана шундай тадбирлар ташкил этилиб, уларда 7208 та қорхона ва ташкилот 50480 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Пировардидан

2013 йили иш сўраб мурожаат қилган ёшларнинг аксарияти ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилди. Жорий йилда ҳам ушбу анъанани изчил давом эттириш режалаштирилмоқда. Чунки, январь — март ойларида 48 марта ихтисослаштирилган ярмаркалар ўтказилиб, уларга жойлардаги 2578 та қорхона ва ташкилот жалб этилди. Натижада 1822 нафар ёшга ишга жойлаштирилган ёшлар билан берилди. Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимликларининг қарори билан 6639 та квота иш ўринлари захира қилиб қўйилди. 14010 нафар фуқаро-

лар ташкил этилди. Мазкур жараёнда ўқув муассасаларини тамомлаётган йигит-қизлардан 4905 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш, 5410 нафари олий ўқув юртига кириб ўқиш, икки минг нафардан зиёда ҳарбий хизматга бориш, қолганлари эса эгаллаган мутахассисликлари бўйича фаолият бошлаш истагида эканлиги аниқланди. Жорий ўқув йилида вилоятдаги 143 та касб-ҳунар коллежини битириб чиқадиган 60903 нафар йигит-қиз бандлигини таъминлаш мақсадида "қорхона — коллеж — битирувчи" ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш жараёни ниҳоясига етказилапти. Аниқроқ айтганда, шу кунга қадар 21798 та ҳужалик субъекти билан 57152 нафар ёки 93,8 фоиз битирувчини ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тузилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат: Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳисобига шу йилнинг биринчи чорагида етмишдан зиёд оилавий қорхона ташкил этилиб, 230 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Бу ишчи кучига эҳтиёж катта бўлган худудлар, жумладан, Қўқон, Фарғона шаҳарлари, Риштон, Қува туманлари хиссасига тўғри келгани эътиборлидир. Қолаверса, иқтисодий даражаси нисбатан юқори бўлган Ёзёвон ҳамда Сўх туманларида ҳам 800 га яқин меҳнат ўринлари яратилди.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари вилоятнинг кўплаб туманларидаги қорхона, ташкилот ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш амалиётини ўташмоқда. Зеро, бу жараён ёшларда меҳнатга кўникма ҳосил қилиш билан бирга, уларнинг келгусида кафолатли иш ўринлари билан таъминланишида муҳим босқич ҳисобланади.

Файзулла ҚОСИМОВ, Фарғона вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.

Эллик йилгача жилосини йўқотмайди

ИНТИЛИШ

Ойжамол Удамуротова Термиз туманидаги Халқобод педагогика коллежи ўқувчиси. Унга ўтган йили тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун банк 3,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратган эди.

Ойжамол ушбу сармога гилам тўқидиган дастгоҳ ҳамда хом ашё харид қилди. Бугун у тўрт нафар дугонаси билан буюртма асосида "Туркман", "Тоқир" ва "Қолин" деб аталувчи гиламлар тўқимоқда.

— Бу ҳунарни момондан ўрганганман, — дейди у. — Табиий гилам тўқилган жиламларимиз сержило ранги билан ажралиб туради. Бунинг сабаби бор, албатта. Яъни биз пиёз, ёнғоқ пўстлоғи, рўян ўсимлиги илдизи, хина ва ўсма ҳамда тухумдан тайёрланган ранглардан фойдаланамиз. Бундай гиламларнинг ранги 50 йилгача ўз жилосини йўқотмайди. Аксинча, у йиллар ўтгани сайин янги товланиб, хонадонлар кўркига кўрк қўшаверади.

Нормурод ТЕМUROV, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилги ярмаркада эса 100 дан зиёд илмий, илмий тадқиқот, олий таълим муассасалари ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотларининг 500 дан кўпроқ технология ва ишланмалари иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинапти. Зеро, мазкур ярмарканинг асосий мақсади илм даргоҳлари ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг илмий-техник салоҳиятидан

ларнинг аксарияти импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун мўлжалланган маҳсулотлар, шунингдек, юқори унмдор техникалар яратишга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб турибди.

Бундай маҳсулотлар ярмарканинг саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, акборот технологиялари, фан ва таълим каби бешта йўналишдаги экспозицияларидан ўрин олган бўлса, таклиф ҳамда та-



ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

юртимиз иқтисодиётининг юксалишида алоҳида аҳамиятга эга

мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда самарали фойдаланиш, корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаоллигини оширишга кўмаклашиш, бу борадаги ишларни ривожлантиришга сармояларни изчил жалб этишдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, галдаги тадбирда тақдим этилаётган амалий, инновацион ва илмий-техник лойиҳалар ҳамда ишланма-

лаблардан келиб чиқиб, бу йил "Қайта тикланувчи энергия манбалари" бўлими ҳам ташкил этилди. Унда 60 дан ортиқ тайёр ишланмалар намойиш этилапти. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, юртимизда йилнинг 320 кундан кўпроғи қуёшли бўлиши борада бизнинг бошқа минтақаларга нисбатан устулгимизни билдириши баробарида, ҳозирги эҳтиёждан 40 баробар кўп электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

— Муассасамизда 7 та йўналиш бўйича қуёш

энергиясидан самарали фойдаланишга доир изланишлар олиб борилмоқда, — дейди ЎзФА Физика-техника институтининг илмий ходими Фахриддин Қосимов. — Масалан, кўرғазмага келтирилган сув тозалагич ускунамиз ҳам айнан офтоб нури ёрдамида ишлайди. Яъни у қуёшдан қувват олиб, сувни уч босқичли тизимда истеъмолга яроқли ҳолатга келтириб беради. 100 литр сифимли ускуна эса кичик ташкилот ёки қишлоқ оилалари учун, айниқса, жуда мос. Ўйлаймизки, барча синов ва тажрибалардан муваффақиятли ўтган ушбу қурилмамиз ўзининг илм ва технакорлиги билан истеъмолчиларда қизиқиш уйғотади.

— Ўтган йили ўқув дарғоҳимиз томонидан ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион лойиҳаларни жорий этиш юзасидан 447 миллион сўмлик шартнома ва битимлар тузилган эди, — дейди

Тошкент фармацевтика институтининг илмий ишлари бўйича проректори Рустам Тўлаганов. — Мана шунинг ўзиёқ юртимизда илм ва амалиётни уйғун тарзда олиб бориш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар нечоғлиқ самара бераётганига яққол мисолдир. Бу йил эса кўрғазмада 9 номдаги препаратларимиз билан қатнашаёلمиз. Энг муҳими, улар учун зарур бўладиган асосий хом ашё ўзимизда мавжуд. Масалан, "Пирацин-RC" препарати организмда келиб чиқадиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган.

Ушбу дорини ишлаб чиқариш мақсадида "Remedy Group" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси билан шартнома тузган бўлса-да, бу йилги ярмаркада яна 500 миллион сўмликдан зиёд шартнома имзоланиши режалаштириб турибмиз.

Ярмаркада, шунингдек,

ёш олимларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун талабаларнинг илмий ишланмалари тақдимот сифатида кенг оммага таништирилади, унда тармоқлар ва худудларнинг алоҳида тақдимотлари ташкил этилиб, йирик саноат корхоналари ва виллоятлар ўзларининг илмий ҳажмдор маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳамда инновацион ишланмаларини жорий қилиш салоҳиятини намойиш этади. Буларнинг бари ишланмаларни татбиқ қилиш борасидаги ишларни кучайтириш учун қулай имконият яратаяди, албатта.

"Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" VII Республика ярмаркаси жорий йилнинг 25 апрелига қадар давом этади.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари У. Розуқлов сўзга чиқди.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқларда замонавий корхоналар

бунёд этилгани ички бозорни харидорғир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилмоқда

"2013 — 2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури" доирасида корхоналарда худуд учун янги бўлган 12 та маҳсулот ишлаб чиқарилгани, шундан 5 таси қишлоқ жойларда йўлга қўйилгани соҳада қўлга киритилган ютуқлар омилли бўлди.

ИСЛОХОТ

Тўрткўл туманидаги пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Тўрткўл олтин сур" масъулияти чекланган жамияти, Шуманай туманидаги алюминий профилилар тайёрланадиган "Аква пром" корхонаси, Амурдарё туманидаги кўмир брикетлари ишлаб чиқарилаётган "Мангит брикет" масъулияти чекланган жамияти, Ҳўжайли туманидаги аккумулятор тайёрланадиган "Нурбек оқ-олтин" масъулияти чекланган жамияти ва Мўйноқ туманидаги Орол денгизидан олинадиган артемияни қайта ишлашга мўлжалланган "Қамолот балиқчи" корхонаси шулар сирасига қиради.

Хусусан, Ҳўжайли туманидаги "Нурбек оқ-олтин" хусусий корхонаси 45,4 минг АҚШ долларлик инвестиция жалб этилиши туфайли йилга 1000 та аккумулятор ишлаб чиқаришга эришилди, 10 нафар ёшнинг доимий бандлиги таъминланди.

Қораўзақ туманидаги "Верми сервис" шўъба корхонасига 656,3 минг АҚШ долларлик инвестиция кириштирилиши эвазига иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида қўлланиладиган вермикулитдан йилга 6 минг тонна тайёрланаётган бўлса, Элликқалъа туманида ташкил этилган

"Нодирбек" масъулияти чекланган жамиятида олти қил темир-бетон буюми ишлаб чиқарилмоқда. Тадбиркор Ғафуржон Сатимовнинг айтишича, йилга минг кубометр темир-бетон буюмлар тайёрлаш қувватига эга мазкур лойиҳани рўёбга чиқаришда банкнинг 150 миллион сўмлик кредити қўл келди. Пировардидан ўтган даврда қурилиш объекти-ларига шартнома асосида 400 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб берилди.

Қисқача айтганда, қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий саноат корхоналари нафақат юртимиз иқтисодиётини юксалтириш, балки юзлаб кишиларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тамара ДУЙСЕНБИНА, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Ўтган ҳафтада Жанубий Кореянинг жануби-ғарбий соҳиллари яқинида ҳалокатга учраган "Севоль" пароми қурбонлари сони 150 кишига етди.

Қидирув ишлари давом этмоқда

Бу ҳақда маҳаллий "Ренхап" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Яна юз нафардан ортиқ йўловчи бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Воқеа рўй берган вақтда сув транспортда жами 476 киши бўлган. Улардан 174 нафарининг ҳаёти сақлаб қолинган. Айти пайтда паром чўккан ҳудудда қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу тadbирга беш юз нафардан ортиқ мутахассис жалб қилинган. Аммо энди қолганларни тирик ҳолда топишга бўлган умид сўнган.



Номини ўзгартирмоқчи


Яқинда "Microsoft" компанияси (АҚШ) "Nokia" (Финляндия)нинг мобил телефонлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бўлимини сотиб олганди.

Хабарларга қараганда, янги мутасаддилар унинг номини ўзгартирishi ниятида. Ҳозир фин компаниясининг мазкур бўлими расман "Nokia Oyi" деб юритилди. Маҳаллий тилда "Oyi" атамаси акциядорлик жамиятининг қисқартирилган кўриниши ҳисобланаркан. Эндиликда "Microsoft" мобил бизнесига оид барча молиявий операцияларни "Microsoft Mobile Oy" номи билан амалга оширмоқчи. "Oy" — корпорация маъносини билдираркан. Лекин смарт-фонлар аввалгидек "Nokia" бренди остида савдога чиқарилади. Чунки мутасаддилар бундай машҳур номдан воз кечиш ниятида эмаслар.

Энг тез лифт

Япониянинг "Hitachi Ltd." компанияси Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридаги 111 қаватли бинога дунёдаги энг тез ҳаракатланувчи лифт ўрнатади, дейилади "ННК" телеканали хабарига.

Ушбу иншоотнинг баландлиги 530 метрга тенг бўлиб, 2016 йилда молиявий марказ сифатида фойдаланишга топширилади. Унга жойлаштирилган лифт соатига 72 километр тезлик билан ҳаракатланади. Масалан, 1-қаватдан 95-қаватга кўтарилиш учун 43 сония кифоа қиларкан. Ҳозирча энг тез лифт Тайванда бўлиб, у соатига 60,6 километр тезликда юради.



Муваффақиятсиз иштироки учун...

"Манчестер Юнайтед" футбол клуби (Англия)нинг жорий мавсумда премьер-лигадаги ҳамда халқаро учрашувлардаги муваффақиятсиз иштироки охир-оқибат жамоа раҳбарияти сабр қосасини тўлдирди.

2013 йилнинг июль ойида сэр Алекс Фергюссон ўрнига бosh мурабий этиб тайинланган Дэвид Мойес истеъфога чиқарилди. Мамлакат чемпионатининг 35-тур доирасида "Эвертон"дан учралган навбатдаги мағлубиятдан сўнг "МЮ" сўнгги 19 йил ичида биринчи марта келгуси мавсум Чемпионлар лигасида қатнашиш имкониятини бой берди.

"Манчестер Юнайтед" да вақтинча бosh мурабий вазифасига жамоа ари мхомиячиси Райан Гиггз тайинланди. Клуб раҳбарияти ушбу лавозимга Диего Симеоне ("Атлетико" Мадрид), Карло Анчелотти ("Реал", Мадрид), Луи ван Гал ("Голландия терма жамоаси) ҳамда Хосеп Гвардиола ("Бавария" Мюнхен) номзодларини кўриб чиқётгани айтилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Тошкент труба заводи» ҚК ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади. Мисланган пайвандлаш сими СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70, Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб. Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим, Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб. Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажми, девор қалинлиги 2,0-4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб. (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Тadbиркорларимиз жаҳон бозорига чиқмоқда

Улар учун яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар бу борадаги имкониятларни янада кенгайтираяпти.

Ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришда эса амалиётга татбиқ қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ишбилармонларнинг ташқи бозорга чиқишига кўмак бериш учун махсус жамғарма ташкил этилгани айти мудоа бўлди. Таъкидлаш жоизки, ҳозир пайтга келиб, мазкур Жамғар-

мининг изчил фаолияти тadbиркорларнинг экспорт бора-сидаги имкониятларини тобора оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида филиалимиз мутахассислари томонидан "Latif-Sers", "Hebei-Neo-Tex", "O'z korteks", "Bemid-Tom" масъулияти чекланган жамиятлари сингари 50 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига ҳуқуқий ҳамда ташкилий хизматлар кўрсатилди. Натижада улар 25 млн. АҚШ долларидан ортиқ шартномалар тузиб, ўз махсулотларини экспорт қилишга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари, вилояти-

мизнинг барча туманларида тadbиркорлар билан давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда Жамғармамиз хизматлари, юртимизда тadbиркорларга берилаётган имкониятлар ҳамда чет давлатларда ўтказилиши режалаштирилган кўргазма ёки ярмаркалар ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда. Бунинг самараси ўларок, 10 га яқин ишбилармонлар Хитойда бўлиб ўтадиган ярмаркада қатнашиш истагини билдиришди. Оҳангарон туманидаги "Покизахон", Янгийўл туманидаги "Фортуна Энгелант", "Мастер глобал плюс", Пискент туманидаги "Азалея гармент" масъулияти

чекланган жамиятлари шулар жумласидандир. Қисқаси, ҳозирги кунда вилоятимизда филиалимиз билан ҳамкорлик қилиб, хориж бозорларига чиқиши қўлаётган тadbиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Биз ҳам, ўз навбатида, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, зарур бўлган тақдирда эса, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга интиляяпмиз.

Бекзод АЛИБЕКОВ, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Тошкент вилояти филиали директори вазифасини бажарувчиси.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан стратегик инвесторларга тақлиф. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 11 ноябрдаги «Иқтисодийёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ баландидаги кўйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга тақлиф этади: «Samarqand Pure Aqua» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади. «Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 27 май куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига кўйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда: 1. Олмазор тумани СИБ томонидан ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2012 йил 14 майдаги 1-156/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мевазор кўчаси, 14-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 264,57 кв.м., тураржой майдони 157,24 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 100 460 848 сўм. 2014 йил 13 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига 1. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар тақдоран савдога кўйилган: 1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, автомажмуа, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, автомажмуа, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 22-«В» уйда жойлашган, блок «В», умумий майдони 1288,0 кв.м., 2 қаватли бинодан иборат бўлган автосалон, автомобилга техника хизмат кўрсатиш ва ювтиш, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 1 581 570 900 сўм. II. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар тақдоран савдога кўйилган: 1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 156 925 000 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 362 031 000 сўм. 4. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоф

«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоийат қишлоғи.

«Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳужайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ноҳор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

«KOC'HNAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Toshkent qog'oz» МЧЖнинг 2014 йил 21 апрелдаги 193-сонли бюртманомаси, ТИФ «Миллийбанк»нинг 2013 йил 27 июлдаги 46-сонли мажлис баёнига ва «Toshkent qog'oz» МЧЖнинг 2014 йил 10 январдаги 6-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳри, Хамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23-уйда жойлашган кўйидаги кўчмас мулклар тақдоран кўйилмоқда:

1. Ер участкасининг умумий майдони 489 кв.м., бино-иншоотларнинг умумий майдони 422 кв.м., фойдаланиш майдони 320 кв.м. бўлган профилакторий, унда жойлашган асосий воситалар билан бирга умумий мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси — 188 904 400 сўм.

2. Ер участкасининг умумий майдони 8565 кв.м., бино-иншоотларнинг умумий майдони 3896 кв.м., фойдаланиш майдони 3232,11 кв.м. бўлган картон цехи, унда жойлашган асосий воситалар билан бирга умумий мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси — 1 861 300 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 12 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2014 йил 8 май куни соат 18.00.

Аукцион савдоси голибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда кўйидагилар тақдим этилади: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома ва закатат суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома ва закатат суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-23. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HNAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бosh филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кеғейли тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Кеғейли тумани судининг ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар кўйилди:

1. Кеғейли тумани, Халқобод кўрғониде жойлашган тўйхона (собик универмаг) биноси. Бошланғич баҳоси — 557 463 641 сўм 30 тийин.

2. Кеғейли тумани, «Ақтува» ОФИда жойлашган молхона биноси (мажмуа). Бошланғич баҳоси — 992 174 334 сўм.

3. Нукус шаҳри, Сарбиназ массивида жойлашган новвойхона ва қоровулхона бинолари. Бошланғич баҳоси — 772 516 456 сўм.

4. Нукус шаҳри, 23-микрорайонда жойлашган авто-

база биноси (мажмуа) (собик 1-сонли автобаза). Бошланғич баҳоси — 1 747 643 450 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 23 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2014 йил 21 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hnas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бosh филиалининг ОАТБ «Турон» банки Нукус филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси жамоаси етакчи мутахассис Саодат Акмалджановна КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманиннг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббий институти жамоаси Ўзбек, рус тили ва тиббий терминология кафедрасининг мудири, доцент Кавсар Турдиевага фарзанди ҲУМОЮНнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Маънавият, маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиги Ботир Сангировга отаси Юсуф САНГИРОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Яхшилик, эзгулик, меҳр-мурувват — қалби гўзал кишиларнинг аъмоли. Бинобарин, адаб — маърифат ва маданият бешиги. Унда ўзини топган борки, адашмайди, улкан ишларга қодир бўлади, халқим деб яшайди. Шу маънода айтадиган бўлсак, Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлари олдирқуб туб мазмун-моҳияти билан инсон манфаатларига хизмат қилувчи ислохотларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларнинг маънавий ҳаётидаги асл илдизлари янада мустақамланиб, теран моҳият касб этди. Президентимизнинг "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳам санъат, маданият, маърифат ва маънавият масаласи давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим ҳамда ажралмас қисми эканлигини ифодалайди.

Ибрат ва эзгулик мактаби

— Давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз фахрига айланган, юртимиз санъатининг дунё узра доврақ қозонишига муносиб ҳисса қўшган театримизнинг 100 йиллигини нишонлаш борасидаги қарори бизни беҳад хурсанд қилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси Рихси Иброҳимова. — Негаки, ушбу ҳужжатда таъкидлангандай, театримизнинг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ҳамда аъналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг миллий, умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтиришдаги ўрни бекиёс. Шу маънода, биз Президентимизнинг доимий эътиборидан ниҳоятда мамнунмиз. Бундай эъзозни чуқур ҳис этамиз ҳамда дилдан қадраймиз.

Хозирлик кўрилмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, олий ва ўрта махсус, касб-хўна тълъими муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда театр фаолиятига бағишланган учрашувлар ташкил этиляпти.

Хабарингиз бор, 2001 йил 21 сентябрда Президентимиз Фармонига биноан мазкур даргоҳга "Ўзбек Миллий академик драма театри" номи берилди. Бу, шак-шубҳасиз, театрининг обрў-эътибори, нуфузига мос тушди, юксак макомига узукка кўз қўйгандек ярашди.

Чунки театрда мустақиллик йилларида истиқлол, Ватани тараннум этувчи қатор спектакллар яратилди. "Алишер Навоий", "Мирзо Улуғбек", "Пири коинот" каби асарлар кўйилиб, томошабин эътиборини қозонди. Кейинги йилларда сахналаштирилган "Дарахлар тик туриб жон беради", "Талваса", "Умр шомидоғи бахт", "Хасрат боғи", "Бир қанотилар", "Тортадурман жабрини", "Ўзбекча рақат" ҳамда шу каби қатор асарлар ҳам санъат ихлосмандлари қалбидан жой олиб улгурди.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, нуфузли санъат анжуманларида қатнашганман. Лекин ҳеч бир юртда санъатга Ўзбекистондагидек юксак эътибор қаратилишини кўрмаганман, — дейди мазкур театр директори,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Махмуд Исмоилов. — Хориждан келувчи меҳмонлар ҳам юртимизда бу борада амалга оширилаётган эзгу ташаббусларга гувох бўлиб ҳайратланишди. Бундай ғамхўрлик, табиийки, нафақат истеъоддорлари кашф этишда, шу билан бирга, томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган сахна асарларини яратишда биз учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биласиз, Президентимиз 2010 йилнинг 30 август кунин Бухоро вилоятига ташриф буюриб, сафар чоғида вилоят театрига ҳам бордилар. Ушанда давлат раҳбари ёшларимизни тўғри йўлга бошлашда фақат панду насихат билан кифояланмаслиқни, эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар кераклигини ўқитиб, бу борада театр муҳим тарбия ўчоғи эканлигини таъкидлагандилар. Ана шу кўрсатмалар асосида давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида товланган фидойи инсонлар ҳақида хикоя қилувчи асарларни сахналаштиришга ҳаракат қилаяпти. Бунинг учун эса барча шарт-шароит, имконият яратиб берилмоқда. Шундай экан, эътиром ва эъзозга жавобан фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустақамлайдиган, уларнинг келажакка

ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган қаҳрамонлар сиймосини яратиш жомоамизга катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида театр санъатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида нафақат миллий театримиз, шунингдек, қирққа яқин театр учун замонавий бинолар барпо этиши, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, зарур сахна, мебель, техника воситалари билан таъминлашга эришилди. Қолаверса, ижодкорлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Худди шунингдек, бу борада бир қатор ижодий ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган ёш драматурглар, режиссёрларнинг "Дебют" кўрик-фестивали, "Сени куйлаймиз, замондош!" ижодий танловлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай санъат анжуманларида юртимиз ва хорижлик сахна санъати ижодкорларининг ўзаро мулоқоти, фикр ва тажриба алмашиши ижодий ҳамкорликни тобора кенгайтираётир.

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридега айна пайтда театр санъатида бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарларга эҳтиёж борлиги алоҳида қайд этилган.

Дарҳақиқат, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш — бошқа санъат турлари каби театр санъати учун ҳам асосий мезондир. Кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор бундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Маданият хабарлари



Тошкент давлат иқтисодиёт университетидега "Муҳаммад Юсуф — она-Ватан куйчиси" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Она Ватан куйчиси

Ёзувчи ва шоирлар, профессор-ўқитувчилар, адабиёт ихлосмандлари, талаба-ёшлар иштирок этган мазкур тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Муҳаммад Юсуф ёрқин истеъдоди, бетақдор ижоди билан адабиётимизда ўчмас эъқолдир. Унинг истиқлол, овоз ва обод Ватанимиз тараннум этилган шеърлари юртдошларимиз қалбидега ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Муҳаммад Юсуфнинг она-Ватан, истиқлол мавзусидаги ижодидан намуналар ўқилиб, шеърларига басталган қўшиқлар ижро этилди.

Сирожиiddин ЗУҲРИДДИНОВ.

«Болаларга беринг дунёни!»

Бухорода вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Болаларга беринг дунёни!" шиори остида болалар санъат фестивали ўтказилди.

Унда вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари, "Баркамол авлод" болалар ижодий марказлари қошидаги тўғарақлар тарбияланувчилари ўз истеъодларини намойиш қилишди. Ёш иқтидор соҳибларининг Ватан, истиқлол, ёшлик ва гўзалликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланган "Тошкент труба заводи" қўшма корхонасида кенг қўламли модернизациялаш ишлари амалга ошириляпти. Натижада корхонада иш унумдорлиги ҳам, маҳсулот тури ҳам тобора ортмоқда.



Модернизация — ривожланиш омили

Хусусан, яқинда хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилган "Сортли, иссиқ прокатка қилинган металпрокатни ишлаб чиқариш бўйича металлургия мажмуаси" лойиҳасининг биринчи навбати ишга туширилди. Бунинг эвазига бу ерда йилга 130 минг тонна ҳар хил турдаги пўлат ишлаб чиқариш имконияти юзга келди.

Таъкидлаш керакки, илгари бундай маҳсулотлар хориж валютаси эвазига четдан олиб келинар эди. Бундай сарф-харажатларнинг олдини олишда эса "Тошкент труба заводи"да рўёбга чиқарилаётган инновацион ва модернизациялаш лойиҳалари муҳим аҳамият касб этмоқда. — Истиқболли лойиҳалар янги иш ўринлари ташкил этилишида ҳам

албатта. Аввало, ускуналар замонавийлиги боис уни бошқариш ўзига яраша билим ва маҳоратни талаб қилади. Масалан, прокат ускунасининг узунлиги қарийб бир километрдан иборат бўлиб, у айна пайтда ишлатилаётган шунга ўхшаш техникалардан айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва конструкторлик ечими бўйича устун ҳисобланади. Табиийки,



Қўшма корхона директори Виктория Суцепинанинг айтишича, янги мажмуада дастлабки маҳсулот — пўлат чивик ишлаб чиқаришга киришилди. Айна пайтда корхонада юздан зиёд маҳсулот тайёрланаётган бўлса, уларнинг барчаси ўз ҳаридорига эга. Тўғри тўрт бурчакли ва кўндаланг кесимли профилли қувурлар, магистраль нефть-газ қувурлари ҳамда нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган, катта диаметри спиралсимон чокли қувурлар, энергетика ва қурилиш мажмуалари, металлний қайта ишлаш корхоналари учун зарур бўлган маҳсулотлар шулар жумласидандир.

айни муддао бўлаётир, — дейди заводнинг 2-ишлаб чиқариш мажмуаси бошлиғи Зафар Норхўжаев. — Жумладан, корхонамизга электр пўлат эритиш, прокат ускуналари, маҳсулотларни узатиш, пресслаш, шаклга солиш ва навларга ажратиш линиялари ўрнатилган, ёш ва юқори малака кўлаб кадрларни танлов асосида ишга қабул қилдик. Бунинг ўзига хос сабаблари бор,

унда тайёрланган маҳсулот ҳам халқаро стандарт ва талабларга тўлиқ жавоб беради. Ҳозирги пайтда 400 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган ушбу заводда галдаги вазифа — лойиҳанинг иккинчи навбатини ишга тушириш ҳаракатига киришилди. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши иш ҳажми ортиб, ишчилар сони беш юз нафарга етишини таъминлайди.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда "Тошкент труба заводи" фаолияти билан яқиндан танишган киши бу ерда рўёбга чиқарилаётган йирик лойиҳалар, модернизациялаш тадбирлари амалда қутилган самарани бераётганига амин бўлади. Бундай эзгу ишлар эса пировардида мамлакатимиз иқтисодиёти равангага муносиб улш бўлиб қўшилаётгани айна муддаодир.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон чемпионлари аниқланди

Пойтахтимизда енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлиб ўтди.

СПОРТ

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан ташкил этилган мусобақада 150 нафардан зиёд спортчи ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Иштирокчилар енгил атлетиканинг Паралимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган югуриш, ядро, диск ва найза улоқтириш, узунликка сакраш каби турлари бўйича ўзаро баҳслашдилар.

Турли масофаларга югуришда Қобил Тўлганов, Сафарали Отабоев, Дониёр Аҳмедов, Дамир Пашаев, Миран Саҳатов, Мусобек Солипов, Фахриддин Ҳамроев, Маъруф Муродуллаев, Убайдулла Имомқулов марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди. Қизлар мусобақасида эса Муштаарий Мамарасуллова, Ёқутхон Холбекова ва Диана Курмакаева барча рақибаларини ортда қолдиришга муваффақ бўлди.

Ядро улоқтириш бўйича Сайдулла Исмаилов, Мавлон Ҳайдаров, Шахриёр Набиев, Жамшид Ёғамбердиев ва Ҳусниддин Норбеков энг яхши натижани қайд этди. Маҳоратли спортчи Х. Норбеков диск улоқтириш ҳақида ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Найза улоқтириш беллашуваридега эркинлар ўртасида Абдуғаффор Абдуллаев, қизлар орасида эса Гулсала Ҳайитова ва Салобат Собирова Ўзбекистон чемпионлигига эришди.

Узунликка сакраш бўйича Дониёр Солиев, Миран Саҳатов, Маъруф Муродуллаев ҳамда Зилола Сирлиевага тенг келадиганлар топилмади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Advertisement for ENTER ENGINEERING PTE.LTD. Includes company logo, name, and detailed list of services such as engineering, construction, and design.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, featuring contact information and subscription details.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', including contact details and office information.

Advertisement for 'Манзиллимиз' real estate agency, listing services and contact information.